

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР БЎЛИБ ЎТДИ

6-мактабда мактаб, маҳалла, болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳамкорлигига ўқувчи-ёшларни касб-хунарга йўналтириш, соғлом турмуш тарзини жорий этиш ҳамда “Оналарга эҳтиром” тадбирлари ўтказилди.

Тадбирга туман ММТБдан вакиллар, мактаблар директорлари, фахрий устозлар ташриф буюришди.

Мактаб кираверишидан қўл меҳнатлари билан қилинган ишлар дид билан безатилган, кишини ҳаваси келади. Меҳмонлар кўргазмалар билан танишишди. Устозлар ўқувчиларни касб-хунарга қизиқтириш мақсадида, турли йўналишларда очик дарс ташкиллашмоқда. Бир тарафда “Беш ташаббус” доирасида спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Спортчи-ёшлар ўзларининг чиқишиларини келганларга кўрсатишмоқда. Шахмат-шашка, стол тениси ўйинлари бўлиб ўтмоқда. Шунингдек тадбирларнинг энг жозибалиси – “Оналарга эҳтиром” тадбири бўлиб ўтди. Устозлар ташриф буюрган оналарига, фахрий устозларга дилларидаги ширин сўзларини айтишиб, гуллар билан табриклашди. Ўқувчилар куй-кўшиқ, рақслари билан олқишлирига сазовор бўлишди.

Оналар юртимиз тинчлиги учун дуо қилишди.

Ўтказилган тадбирлардан барчанинг кўнгли шод бўлди.

2024-05-15 08:52:02